

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 226 (6. II7)

© 1986 йил 1 октябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин



ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА

ЖАДАЛЛАШТИРИШ САМАРАСИ

«Ташкис» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг фахрли буюртмасини муддатидан илгари адо этди. «ЭО-3221» маркали янги гидравлик экскаватор Москвага жўнатилди. Бу экскаватор машинасозлар кўни—Бутунитфоқ байрами қатнашчилари ҳузурда намойиш этилади.

1986 йилда янги машинани конвейерга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу машина жуда ботқоқ районларда—Ғарбий Сибирда, Ноқоратупроқ зонада, Белоруссия полесескида ишлаб чиқаришда қўлдан келтирилади. Ҳозир Тошкент экскаватор заводида техника билан қайта жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда—эски станоклар кўчириб олиниб, янги,

юқори унумли станоклар ўрнатилмоқда. Корхона участкаларининг учдан бир қисми икки ва уч сменали иш графикига ўтказилди. Бу эса меҳнат унумдорлигини анча ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берди.

Тошкент машинасозлари

оширилган мажбурият қабул қилдилар: 1986 йилги ишлаб чиқариш программасини барча кўрсаткичлар юзасидан бир ҳафта барвақт бажаришга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ишониландиган йилда гидравлик экскаваторларнинг таъриб таъқуримини тайёрлашга қарор қилинди.

Муддатидан илгари

Тошкент мотор заводининг механика-йиғув корпусида ўн бир минг квадрант метр ишлаб чиқариш майдонида токарлик, фрезерлик, пармалаш станоклари ўрнатилмоқда. Бош пудратчи—«Промстрой» трести август ойидаги қоқоқликка барҳам бериб, соловчилар учун иш кўламини тайёрлаб берди. Янги станокларнинг бир қисми октябрь ойидаёқ ишлаб бошлайди.

Завод коллективи ҳам ўзининг профессионал байрамига яхши соғва тайёрлади. Илгари Минскдан келтирилган яна йигирмата детални ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Эндиликда юз от кучига эга бўлган мотор барча узеллари ва қисмларининг 70 процентдан кўпроги шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришмоқда.

Виктор Гришин, Юрий Дербасов, Валерий Мельяев бошлиқ илгир бригадалар учинчи квартал программасини муддатидан илгари адо этдилар. Бу коллективлар рекамли программа билан бошқариладиган станокларда ишламоқда. Бу ердагилар технология жараёнига риоя этиб, замонавий машина-ускуналардан оқилона фойдаланиб, икки сменалик график асосида ишлашга ўтдилар. Шу тўғрйли фонд самардорлиги ошди, маҳсулот сифати ҳам яхшиланди. Бу ерда моторлар тайёрланаётганига ҳали бир йил бўлгани йўқ, ҳозирдаёқ неча юзлаб шундай моторлар ишлаб чиқарилади, лекин Тошкент мотор заводида бир сменалик ишчи тоғлиги йўқ. Минс ва Владимир трактор заводинда таълим олаётган ёш ишчилар қўлида мотор заводи коллективи сафига келиб қўшилдилар. Улар механика-йиғув корпусида ўрнатилган станоклар ва автомат линияларда хизмат қиладилар.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

Мамлакатимиз сановат корхоналари, қўрилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасаларининг коллективлари ўртасида шахтёрлар В. Гадовцев, В. Сидорейко бошлиқ бригадалар ҳамда А. Потапов бошлиқ участка меҳнатчиларининг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигини беш йилликнинг иккинчи йили пиланини бажариш билан кўтиб олиш учун бошлаган ватанпарварлик ташаббуси тобора кенг қўл очмоқда. Шахтёрлар меҳнат коллективлари ўртасида ҳам бу ташаббус издошлари сафй кенгаймоқда. Энг юксак унумдорликка эришиш, иш самардорлигини ва сифатини ошириш йўллари изланипти.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент реле ва автоматика заводи меҳнатчилари ўртасида қизғин қўллаб-

қувватланди. Заводда—барча иш жойларида жадаллаштиришнинг янги резервлари изланмоқда, социалистик мажбуриятлар қайта кўриб чиқилипти. Таърибали тоқар, ёшларнинг устози Вячеслав Ҳамидович Шарипов бу ишда намуна бўлмоқда. У Улуғ Октябр, социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнат унумдорлигини бир ярим баравар оширган ҳолда кўтиб олишга, беш йилликни эса меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш билан ақунашга азму-қарор қилди. У бунга таърибаси ва маҳорати, қўшимча меҳнат резервларини ишга солиш ҳамда деталларга ишлов бериш технология жараёнини тезлаштириш ҳисобига эришилган қўлламоқда. Моҳир тоқар ваъдага вафо қилиш учун айна пайда астойдил ғайрат қилмоқда.

СУРАТДА: тоқар Вячеслав Шарипов, Т. Каримов фотоси.

М. С. Горбачев ва Р. Рейганнинг бўлажак учрашуви тўғрисида

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Р. Рейган 1986 йил 11—12 октябр кунлари Рейкьявик шаҳрида (Исландия) учрашадилар. М. С. Горбачев учрашув тўғрисида тақлиф этди ва буни Р. Рейган қабул қилди. Учрашув М. С.

Горбачевнинг АҚШга қиладиган визитига таъйиғарлик доирасида ўтказилди. Томонлар 1985 йил ноябрида Женевада ана шу визит тўғрисида келишиб олган эдилар.

СССР ва АҚШ учрашуви Рейкьявикда ўтказиш имкониятини беришга таъйиғарлик доирасида келишиб олган эдилар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент»га республикада яшовчи ҳар бир киши обуна бўла олади

— Айтингни, нима учун Наримонов шахри аҳолиси «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳамда «Ташкентская неделя» иловасига обуна бўлишга руҳсат беришмайди? — Телефон трубкасиндан эшитилган овоз мулоим ва айна пайда таалабчан эди. — Бу нашлар фақат Тошкент аҳолиси учун дейиляпти. Ахир бу нутғингиз!

Бирор жавоб беришдан олдин қўнғироқ қилган кишининг ўзини таништиришини сўрадик.

Марҳамат,— деган овоз эшитилди. — Мелис Иброҳимовна Иброҳимовна, Ўзбекистон ССР Мелисология ва сув хўжалиги министрининг 18-қўрилётган корхоналар бирлашган дирекцияси баш меҳнатини. Телефоним — 90-28-73. Обуна масаласини аниқлаб беришингизни сўрайин. Яна икки-уч кундан кейин қўнғироқ қиламан. Биз дарагини иккинчи қирғоғида яшашимиз рад этишга сабаб бўлмоляпти.

Бирок, биз ушбу масалада редакцияга мурожаат этган на ўртоқ Иброҳимовна, на бошқаларга маъналий жавоб бера олмас эдик. Обуна эълони қилинган пайтдан бери эса телефон орқали бундай мурожаатлар тез-тез бўляпти. Бундай ҳар бир қўнғироқ кишининг қилин аҳолига солиб қўйди: ўзининг ҳам охиригача равшан тасаввур этмаган нарсга ҳақиқат қандай гапирш, қандай тушунтириш мумкин? «Алоқа» министрининг кўрсатмаси шундай: тарздадан жўнган жавобга «Бундай бўлиш, мумкин эмас, ёки, бу қанақасин, нима, у ердагилар қайта қўниш ҳақида эшитишмаганим» қаб янада олди эътирозин эшитиш мумкин.

Одамлар нафақат қўнғироқ қилишляпти, балки ёзишляпти ҳам. «Хўрматли редакция,— дей мурожаат қиладй ўз хатига чирчиқлик Юрий Александрович Ульев. — Чирчиқдаги 24-алоқа бўлимида сизнинг газетангизга обуна бўлишни рад этишди. Айтишларига, «Тошкент оқшомига» фақат Тошкентда яшовчи киши обуна бўлиш ҳуқуқига эга экан. Мен «Союзпечать» агентлигига қўнғироқ қилган эдик, ўша гапни тасдиқляпти. Мен учун бу жавоб қўнқирли эмас. Ўзбекистон журналилари ва газеталари каталогига «Тошкент оқшоми» бошқа нашлар билан тенг ҳуқуқда чекланмай тавсия этилган. Шундай экан, Чирчиқда яшовчи киши унга нега обуна бўла олмайдй? Мен бир қанча мисолларни биланманки, ўз шаҳарларидан бир неча юз километр нарида яшайтган кишилар шаҳар газеталарини олиб ўқийдилар.

Сизнинг газетангизга мен нима учун обуна бўла олмаслигимни ишончли тарзда ту-

шунтириб беришингизни ўтиниб сўрайман».

Бирок биз бутунги қўнғача Юрий Александровичга бу масалани ишончли тарзда тушунтириб бера олмаётган эдик. Тошкент областининг бошқа шаҳарларидан келган хатларнинг авторларига ҳам тушунтириб беролмаётган эдик. Бундай хатлар эса оз эмас. Айниқса, шаҳарини ўраб турган Калинин, Оржоникидзе, Тошкент районларидан қилинаётган қўнғироқлар ва келайтган хатлар сароб. Олмалик, Оҳангарон, Ангрен, Бекобод, Ғазалкентнинг ҳам қўллаб аҳолиси «Оқшом»ни ўқий истайди. Мамлакатимизнинг турли, шу жумладан энг узоқ шаҳарларида яшовчи айрим кишилар ҳам ана шундай истақлар билдиришган. Дейлик, оила Тошкентда яшарди, қандайдир сабаб билан бошқа шаҳарга кўчиб ўтди, бирок, уларни Тошкент ҳаёти қизиқтиради. Жонажон шаҳарининг ҳаёти билан армияда хизмат қилайтган тошкентликлар ҳам қизиқмоқдалар. Узоқ Шарқда Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаётган ҳамшахримиз Хусан Орифжонов, навиқрон йиллари Тошкентда ўсиб, ҳозир Фарғона шаҳрида ишлайтган Соликов Усмонов, самарқандлик Азиз Солиев ва бошқа газетхонларнинг бизга йўллаган мактублари бунинг яққол далилидир.

Тошкентдан четда яшовчи барча кишиларга—шаҳарининг кўзга қўрилимас чегарасидан бир неча ўн метрдан бошлаб, ўйлаб, юзлаб, минглаб километр нарида яшайтганларга ҳам улар нима учун «Оқшом»га обуна бўлиш ҳуқуқига эга эмаслигини тушунтириб берилмади. Ваҳоланки, улар «Оқшом»ни босиб чиқаришдан қўни эмас, балки бошқа газеталар билан биргаликда олишга ҳам рози эдилар.

Эндиликда бундай тушунтиришларга ахтир йўқ. СССР Алоқа министриги ва республика Алоқа министриги қўллаб илтимосларини ҳисобга олиб, республиканинг барча аҳолиси «Оқшом»га обуна бўлишга руҳсат беришди.

Шундай қилиб: шу йил 1 октябрдан, бундан бошлаб «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига Ғазалкентда ҳам, Бекобод, Қарши ва Термизда ҳам, Ўзбекистоннинг истаган аҳоли пунктларида аҳоли ҳам обуна бўла олади.

ЙИЛЛИК БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

БУГУН

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи кўшн ва дўст мамлакат—Афғонистон Демократик Республикасиндан олинган йиллик буюртма муддатидан илгари таъйиғарлиги ҳақида рапорти берди. Корхона коллективи бу мамлакатта 60 минг метр қит, 500 минг 620 метр сатни тайёрлаб жўнат-

Шунингдек, Монғолия Халқ Республикаси учун тайёрлаб беришчи лозим бўлган 100 минг метр хамёнбон газлама ҳам тахт қилиб қўйилди.

Тошкент тўқимачилари шу кунларда Украина, Грузия, Арманистон, Қозогистон, Туркменистон, Тожикистон республикаларидан корхоналарга газлама ва калава ип етказиб бермоқда. Бу топшириқлар ҳам ўз маромида бажариляпти.

БАРДОШЛИ ПЎЛАТ ИЗЛАР

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг Собир Раҳимов районига жойлашган 14-рельс пайвандаш поезидида техника тараққийлати жадаллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда поездларнинг бир издан иккинчига ўтишга хизмат қиладиган крестовинани тайёрлаш илгари жуда машаққатли иш эди. Корхона коллективи Тошкент темир йўли транспорт иккенеерлари институтининг олимлари билан биргаликда ана шу меҳнат жараёнини автоматлашти-

ришга киришди. Крестовинани тайёрлаш учун махсус автомат ускуна ўрнатилди. Илгари қўлда 600 та тайёрланган бўлса, эндиликда ана шу ускунада 1200 та крестовина тайёрлашга эришилди. Корхона коллективи Ўрта Осиё темир йўли бўлима-ларининг бардошли пўлат излар билан таъйинлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Йил бошидан бун 180 километр узунликдаги пўлат излар пайвандаш жўнатилади. Бундан ташқари поездининг бевоисита темир йўл изида

туриб рельс пайвандайдиган машинаси мутахассислари шу кунгача 190 километр рельс ишизматга қайтардилар. Корхона коллективи шу йил 550 километрга яқин рельс тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Бу топшириқни муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилинмоқда. Меҳнат зарбдорларидан Ю. Цвентух, П. Горшков, В. Адиев, М. Карипов, М. Топоров сингари пайвандашчилар топшириқларини 150 процентга етказиб бажаришмоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкентликлар шахтёрлар ва пармаловчилар илгор коллективларидан ибрат олиб, Улуғ Октябр социалистик революциясининг 70 йиллиги парадига оспирланган социалистик мажбуриятлар олишляпти.

«Ташсельмаш» заводи-нинг 5-ҳаётида Дмитрий Атаманов бошлиқ комплекс бригада беш йилликда олти йиллик топшириқни бажар-

ишга қарор қилди.

Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи тўқув фабрикаси мастер ердамчиси Игорь Богачев беш йилликнинг уч ярим йили топшириқини бажаришчи режалаштирди.

Пластмасса буюмлари ва рўзгор химияси заводи бу йил ишлаб чиқариш ҳажмининг 9,2 процент ўстирди. Планга қўшимча 130 минг

сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Моделлар уйи меҳнаткашлари топшириқга қўшимча республика тўқимачилик корхоналарига 10 та модель намунасини барча ҳужжатлари билан етказиб беради.

Асбобсозлик заводи умумий ишлаб чиқариш ҳажмида давлат Сифат белгиси маҳсулотларини 49 процентга етказди.



ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Саховатли ўлкамиз далаларида пахта йиғим-терими аввечга чиқаяпти. Республикаимиз пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятини бажариш учун йил бўйи фидокорона меҳнат қилдилар. Эндиликда эса улар пахта далаларида шижоат кўрсатмоқдалар. «Оқ олтин» ижодкорларининг йил бўйи етиштирган ҳосилини неси-нобуд қилмай териб олиш учун республикаимизнинг барча меҳнат коллективлари уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бунда «Ўроқ ва Болға» иттифоқи янада яққол намоён бўлмоқда. Яхши анъанамизга кўра «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари «оқ олтин» йиғим-терими маъсулмга тошкентликлар қўшадиган муносиб ҳисса ҳақида, оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областлари хўжалик-

лари пахтакорларига кўрсатиладиган амалий ёрдам тўғрисида бу йил ҳам туркум материаллар, фотолаҳзалар бериб беришни режалаштирган.

КПСС XXVII съезди бўлиб ўтган йилнинг пахта ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олишда қишлоқ меҳнаткашларига янада самарали мадад беришни ўз зиммаларига олган тошкентлик машинасозларнинг шу кунлардаги ғайрат-шижоати янада ўзгача. Улар деҳқон буюртмасини муддатда бажаришга бутун куч ва ғайратини сафарбар этмоқда.

Газета саҳифаларида бугундан бошлаб республика пойтахти меҳнаткашларининг деҳқонларга кўрсатаётган беҳимнат ёрдами ҳақидаги материалларини мунтазам ўқиб борасиз.

УЙҒУН.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Уфқларга туташ йўллар

Дарҳақиқат, юртимиз кенг, далалари бепоези, Она диёримизнинг йўллари уфқларга боз уради. Фарғонаю Сурхон, Хоразм, Қорақалпоқ, бу томон яна Самарқанди Қашқа воҳаси, хуллас юрти-мизнинг барча кенгликларига пахтазорлар чайқалади. Бир тонг туриб қарабсизки дала-ларга самодан оппоқ, дўп-ни юлдузлар ёнгандай, ҳаммаёқ оқ—оппоқ пахта. Деҳқон учун, нанки деҳқон учун, балки барчамиз учун

етиштирилган мўл-кўл ҳосил амалда кўриш қувонч-ли ҳолдир. Пахта ифтихорини-миз экан, демак ҳар бирини-миз—студенту олим, инж-не-неру меъмор, ҳофизу шоир-гача шу ҳосил учун қайғу-ришми-з, қувончми-з лозим. Нима бўлганда ҳам ул-кан йармонга ўзимизнинг ҳа-лол улўшимизни қўшмоғи-миз керак.

Мен гапни ҳалолликдан бошлаганимнинг боиси бор.

Республикада яқин йиллар-да пахта топширишдаги камчиликлар, яъни қўшиб ёзишлар, ёлгон «рапортлар»-нинг партия ва ҳукуматимиз томонидан очиб ташланган-лиги, бу соҳада ҳам бундан кейин фақат ҳалоллик тан-тана қилишнинг исботлаб бер-ди. Халқимиз азалдан меҳ-наткаш халқ. Ва бу меҳнат-дан ўз мандарига йўлида фой-даланган техникхўрлар, пора-хўрларга бугунги кунда са-

фимизда ўрин йўқ. Шунинг учун биз меҳнатни қадрай-миз, меҳнатни тарафнам эт-амиз. Олтин кузининг қўб-ли олтн дамлари ганимат. Эли-мизнинг, фидойи кишилар-мизнинг бу дамлاردан унум-ли фойдалана олиш, ваъда-ни қойил дўндириб, ўн ик-кинчи беш йилликнинг даст-лабки йиллини ҳалолликдан бунёд этилган улкан хирмон билан ақунашга ишончим комил!

Қишлоқда гайрат

кўрсатишди

«Главташкентстрой»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-ав-тотранспорт корхонаси кол-лективи бир неча йилдан бери Арнасой районидан К. Е. Ворошилов номи совхоз меҳнатчиларига оталиқ ёр-дами кўрсатиб келяпти. Тран-спортчилар пахтакорларга қишлоқ хўжалик техника во-ситаларини ремонт қилишда қўмаклашмоқдалар. Зарур бўлган тақдирда ахтир қис-млар етказиб беришди.

— Қуни кеча оталиқдаги хўжаликдан автослесарлар бригадаси қайтиб келди,— дейди 1-автотранспорт кор-хонаси партия ташкилоти секретари И. И. Данилов.— Улар йигирма кун мобайни-да пахта териш техника во-ситаларини ремонт қилишда қатнашдилар. Айниқса ав-тослесарларимиздан А. На-зиров ва А. Утанов техника-ни теримга тахт қилишда ғайрат кўрсатишди.

Транспортчилар коллек-тиви оталиқдаги хўжаликка за-рур ёрдамини кўрсатишга ҳа-миша тайёр.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД РЎХАТГА ОЛИНДИ

13-Пушкин сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сай-лов ўтказувчи округ сайлов комиссияси 1986 йил 29 сен-тябрда «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар

тўғрисида»ги Ўзбекистон Со-вет Социалистик Республи-касининг Қонунига мувофиқ кўрсатилган Николай Ива-нович Емельяновни 13-Пуш-кин сайлов округи бўйича депутатликка номзод этиб рўйхатга олди. Ўртоқ Н. И.

Округ сайлов комиссияси.

Емельянов 1938 йилда ту-ғилган, рус, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Ўзбеки-стон Компартияси Куйбишев район комитетининг бирин-чи секретари.

л аҳолисининг турмуш
таси пасайишига, пулнинг
изланишига, айниқса ёш-
тертасидаги ишсизлик ку-
нига олиб бормоқда.

«ЧАРМ ТҮП—86»

Конкурснинг иккинчи тур якунлари

Иккинчи турга ақун чиқаришдан олдин газетхонларга йўллаган жавоблари тўғрисида текшириб кўриш имконини берилди.

1. «Пактор» ўзининг биринчи халқаро матчининг 1956 йилда ўтказган. Тошкентда у Эфиопия терма командасини 3:0 ҳисобида енган.

2. 1962 йили Ленинграднинг «Динамо» командаси билан бўлган учрашувда Владимир Перетурин «Пакторга» қарши ўйнаган. «Пактор» учрашувини 2:0 ҳисобида ақунлаган.

3. СССР терма командаси 1960 йилда Европа чемпионати (Кубок)да ғолиб чиққан. Команданинг катта тренери Г.Кавалин эди, финал матчида ҳал қилувчи тўли В. Пономельни киритган.

4. «Пакторнинг» биринчи лигадаги биринчи тўлини Тўлаған Исҳоқов киритган.

5. 1970 йили Қўтаиси шаҳрида бўлган «Пакторнинг» маҳаллий тропеочилар билан олий лигадаги учрашувда дарвозабон Гогия майдондан чиқариб юборилган, дарвозани ҳимояси Церава қўриқлаган. Учрашувнинг сўнгги минутда Абдураимов у қўриқлаётган дарвозага 11 метрли белгидан тўп киритган.

6. Европа клуб командалари турнирида Москва «Спартак» командасининг юзичини тўлини С. Шавло киритган.

7. Шу мавсумнинг иккинчи турда «Пактор» Кемерово шаҳрининг «Кузбасс» командаси билан ўйнади 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраётган эди, шунга қарамадан 4:3 ҳисобида ғалабага эришган.

8. Тбилис шаҳрининг «Ди-

намо» командаси катта тренери Нодар Ахалкаци 1964 йилда Тбилиснинг «Локомотив» командаси составида «Пакторга» қарши ўйнаган.

9. «Дарвозабон» фильми 1936 йилда экранга чиққан, фильм суратга олиётганда хизмат кўрсатган спорт мастери М. Бутусов бош консултант бўлган.

10. «Пактор» — Хабаровск армия спорт клуби — 0:0. Конкурс жюриси олинган жавобларини синчилаб текшириб чиқди.

— Конкурснинг иккинчи турда баъжонидил иштирок этмоқдаман, — деб ёзди С. Шулгайло, — бироқ йўллаган жавобларимнинг ҳаммаси ҳам тўғри деб айтолмайман. Чунки саволлар жуда мураккаб эди.

Иккинчи тур саволларига кайроқ жавоб келганлигининг боиси ҳам шунда бўлса керак. Айни пайтда биринчи турда яхши натижага эришган газетхонларнинг кўпчилиги кўрашнинг тўхтатишга аҳд қилганликлари сабабини тушунмади.

Иккинчи турнинг ўн саволига 30 очко ажратилган эди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг спесари Ильи Константинович Радзин юз фоизлик натижага эришди. У барча саволларга аниқ жавоб бериш билан бирга «Пакторнинг» Хабаровск армия спорт клуби билан учрашув натижасини ҳам бехато топган.

Кўпчилик саволларга тўғри жавоб йўллаган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бюроси бошлиғи В. Березовский, биринчи тур ғолиби

врач-кардиолог Н. Березовская, мактаб ўқувчиси Ю. Березовская, 107-ихтисослашган кўча колонна ишчиси М. Кашапов, пенсионер Р. Дебердеева, «Миконда» заводи слесари В. Фурсов, Наримонов шахридан инженер-технолог Х. Юсупов, Янги Ангрен ГРЭСининг катта мастери А. Ярош, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг технотроги Д. Бичурин, ўқитувчи В. Серий, пенсионер Н. Уркумиева, Тошкент ёгончи қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори А. Исмоиловлар 26 тадан очко тўпладилар.

Ўз-ўзидан икки тур якунига кўра конкурсда кимлар ғолиблик қилган, деган савол турлида. Ҳозирча Н. Березовская 51 очко билан биринчи ўринда бормоқда. В. Березовский, В. Фурсов эса 50 тадан очко тўплаган. З. Одилов, В. Лейдикер, М. Кашапов, О. Левакин, В. Серий, Х. Юсуповлар 49 тадан очко тўплаганга муваффақ бўлишди.

Д. Бичуринда 48, Ю. Березовская, Р. Дебердеева, Н. Уркумиева, А. Ярошда 47 тадан, К. Махмудов, М. Мерзодов 46 тадан, А. Кулик, Д. Набиев, И. Френкелда 44 тадан, Х. Гуломов, А. Исмоиловда 43 тадан, В. Дерябин, Г. Скарбежиде 41 тадан, Г. Абдуллаев, М. Абидорда 40 тадан очко бор.

Редакция конкурсда ақтин иштирок этганларга миннатдорчилик билдиради. Газетхонларнинг эътиборини унинг тур саволларини ҳавола этишдан олдин оқшолари ҳисоблаш тартиби ҳақида тўх-

тайлик. Агар жавоб тўғри йўлланган бўлса саволдан кейин кўрсатилган оқшоларнинг ҳаммаси ҳисобга олинадил, жавобда ноаниқлик бўлса оқшолар дифференциялаштирилади. Учинчи турда баъзи саволларга қизиш, баъзи саволларга эса ёзиш биген жавоб берилади. Тўққизинчи ва ўнинчи саволларга — ғалаба, дурраг ва мағлубият деб кўрсатилган жавоблар учун икки очко ғерилади. Агар ҳисоб тўғри кўрсатилган бўлса, жавоб эгасига яна иккита қўшимча очко берилади.

1. «Пактор» олий лигада ўйнаётган пайтда, бетараф майдонда учрашув ўтказган шаҳарларини айтинг.

2. Жарима ёки эркин тўп тепилаётганда жонли девор қандай масофада ташкил этилиши керак? [2 очко].

9.0 метр, 9.1 метр, 9.15 метр, 9.2 метр.

3. «Пактор» олий лигада ўйнаганда дебютант ўйинчилардан қайси бири кетма-кет ўтказилган дастлабки беш учрашувда беш марта тўп киритган? [3 очко].

4. Мамлакат биринчилигининг олий лигасида Москвада ўтказилган «Пактор» ва «Спартак» командалари ўртасидаги учрашувда «Спартак» командасининг составида машҳур хоккейчи Борис Майоров ҳам ўйнаган. Бу матч қачон бўлган ва кимнинг фойдасига ҳал бўлган? [2 очко].

5. «Пактор» қайси йил, қайси команда билан чемпионатнинг бир мавсумида уч марта учрашган? [2 очко].

«Кайрат» [Олмаота] 1975 йил «Шахтер» [Донецк] 1980 йил

6. «Пактор» мамлакат биринчилиги матчида Москвада

7. Қайси йил, қайси команда билан бўлган учрашувда уч минут давомида «Пактор»

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент»нинг ФУТБОЛ КОНКУРСИ

КОНКУРС ҚАТНАШЧИСИНING АНКЕТАСИ:

Фамилияси, исми, отасининг исми

Уй адреси:

Қаерда ва қим бўлиб ишлайсиз, ўқийсиз?

Учинчи тур саволлари

1963 йил «Кайрат» [Олмаота]

1975 йил «Маск» [Москва]

1968 йил «Динамо» [Тбилиси]

1979 йил «Локомотив» [Москва]

8. Қачондан бўён ўсмирлар Европа турнири ўтказилмоқда? [2 очко].

1956 йил 1947 йил 1948 йил 1949 йил

Совет спортчилари уларда қачондан бўён иштирок этишмоқда. [1 очко].

1958 йил 1960 йил 1962 йил 1963 йил

9. Европа биринчилигининг саралаш ўйинларида иштирок этган СССР ва Норвегия терма командалари ўртасидаги учрашувнинг натижасини айтинг. [4 очко].

10. «Пактор» ва «Нистру» командаларининг Кишинёвда бўладиган учрашув натижасини айтинг. [4 очко].

Жавоблар ёзилган газета киримлини конвертга солиб, тўлдирилган анкетани устига ёпиштириб, қуйидаги адресга жўнатинг. 700083, Тошкент,

Редактор

Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

реклама эълонлар реклама

М. Қориевнинг номидаги ўзбек давлат концерт-филармонияси билан...

В. И. ЛЕНИН НОМИДА. ГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА. 3, 4 октябрь соат 20.00 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган, Ўзбекистон Ленин комсомолнинг лауреати «ЯШЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарух ЗОКИРОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Тошкент шаҳар матлубот кооперациясининг ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ қуйидаги ихтисослар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ВА ҲАВШ-СЎТ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТУВЧИСИ, 17-29 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқишга кирганлар 65-60 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш битирганлар Тошкент шаҳрида жойлашган марказий бозорлар ва микро районларда «ТАШҚОР-КООПТОРГ» магазинларида ишлайдилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисидаги справка, 6 дона 3х4 см ҳажмидаги фотосурат, меҳнат дафтарида, турар жойидан справка.

ХУЖЖАТЛАР 10 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ КИРИШ ИМТИ. ХОНЛАРИСИЗ ЎТКАЗИЛАДИ.

Билми юрти адреси: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210 «а» уй. Телефонлар: 67-72-13, 67-72-93.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ХИСОБЛАШ МАКАЗЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТГА!

21-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1-4 октябрь кунлари

Қуйидаги ихтисослар бўйича ташкилий ва ҳисоблаш техникаси мутахассисларини тайёрлаш учун шартнома-лар тузади

ЕС ЭВМ оператори, ЭВМ прог р а ммист, ЭВМ механиги, секретарь-машинистка, секретарь-стенотграфистка, иш юритувчи.

Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, 84-алоҳа бўлими, Хуршид кўчаси, 45-уй (16, 25-трамвайларнинг «Семашко» номидаги институт» бекати). Телефонлар: 34-55-73, 34-55-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийв-тининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского городского Компартия Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нуриллиши — 32-55, 37, 32-53-83; санаот ва нуриллиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; халатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—10981. Газета яшанбадан ташқари ҳар кун, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б—26. Индекс 64690. 12345678910.



Зигир толаси—пишиқ газлама

Шота Руставели кўчасидаги рус зигир толаси газламаси магазинида дастурхонлар ва кўл сочиқлар, чой-шаблар, дарпардалар ва филофлар сотилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёрқин тусли, чидамли ва майин зигир толаси газламасидан ишланган.

Уй бекалари бу буюмларни яхши қадрлайдилар: зигир газламаси ҳар сафар ювилганда майин тортади, ва нуқрадек оппоқ бўлади, бўёғини йўқотмайди, офтобда оқармайди. Лавсан аралаштириб тўқилган зигир газламасидан тикилган кийимлар чидамли бўлади ва гижимланмайди.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 45-уй. Магазин 10 дан 18.00 гача ишлайди, соат 14 дан 15.00 гача таънаффус. дўшанба — дам олиш кун.

Транспорт: 4, 7, 9, 11, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номи бөг» бекати.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕИТОРГ» (телефон 78-72-42).

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРГА

1984 йилгача ишлаб чиқарилган радио ва электр моллари, фотоаппаратлар, микрокалькуляторлар, спорт ва музика буюмлари, тикув буюмлари, пойафзаллар, газламалар, галантерея, металл идишларини

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ

Адрес: Тошкент, Чилонзор кўчаси, 55-уй, (2, 34, 50, 54, 94, 80-автобуслар; 7, 16, 11-троллейбусларнинг «Чилонзор» ЦУМ бекати).

«ЧИЛОНЗОР» ЦУМ соат 9 дан 21.00 гача ишлайди.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского городского Компартия Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нуриллиши — 32-55, 37, 32-53-83; санаот ва нуриллиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; халатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

ГУМда «МАЛИКА» ТРИКОТАЖИ



ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ТУРЛИХИЛ ФАСОҢДА ТИКИЛГАН МОДАЛИ (елкаси кенг оёқли ва енгис, кенг енгил, ёқали, ранг-баранг тусли) ЕМПЕРЛАР, БЕЗАКЛИ ЖАКЕТЛАР, КОСТЮМЛАРИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«МУРАВЕЙ-2» МУНЎСИБ ЁРДАМЧИ

БУ МОТОРЛАР ҚИШЛОҚ ҲОҶЛАРИДА ЯШОВЧИ АХОЛИЗОҒВОНЛАР, ДАЛА ҲОВЛИЛАРДА ИСТИКОМАТ ҚИЛУВЧИЛАР УЧУН ҚЎЛ КЕЛАДИ. «МУРАВЕЙ» 315 КИЛОГРАММГАЧА ЮК КЎТАРАДИ.

Машинанинг қулайликлари: двигатели ҳавода совийб туриши натижасида уни турли иқлим зоналарида бема-лол ишлатиш мумкин.

«Евролук» фараси қоронғиликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлади.

Юриш тилиги соатига 60 километр.

«РАССВ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ИШКОТИ.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ»нинг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ

1985 йилгача ишлаб чиқарилган водосчетчиклар, горелкалар, ускуналар, автосалфеткалар, бошқариш шчитлари, электр пуркагичлар, электр лампочкалар, қав. шарлаш асбоблари, электр горелкалари, еритиш ускуналарини

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Топиқ кўчаси, 24-уй. Телефон 96-07-12.

«УЗХОЗТОРГ» (телефон 96-07-12).

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ»нинг ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ

1985 йилгача ишлаб чиқарилган водосчетчиклар, горелкалар, ускуналар, автосалфеткалар, бошқариш шчитлари, электр пуркагичлар, электр лампочкалар, қав. шарлаш асбоблари, электр горелкалари, еритиш ускуналарини

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Топиқ кўчаси, 24-уй. Телефон 96-07-12.

«УЗХОЗТОРГ» (телефон 96-07-12).

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.